

Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1085-ҳадис

1085 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَلْقَى اللَّهَ تَعَالَى غَدًا مُسْلِمًا فَلْيُحَافِظْ عَلَى هَؤُلَاءِ الصَّلَوَاتِ حَيْثُ يُنَادَى بِهِنَّ؛ فَإِنَّ اللَّهَ شَرَعَ لِنَبِيِّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُنَنَ الْهُدَى، وَإِهْنَنْ مِنْ سُنَنِ الْهُدَى، وَلَوْ أَنَّكُمْ صَلَّيْتُمْ فِي بُيُوتِكُمْ كَمَا يُصَلِّي هَذَا الْمُتَخَلِّفُ فِي بَيْتِهِ لَكُنْتُمْ سُنَّةَ نَبِيِّكُمْ، وَلَوْ كُنْتُمْ سُنَّةَ نَبِيِّكُمْ لَصَلَلْتُمْ، وَلَقَدْ رَأَيْنَا وَمَا يَتَخَلَّفُ عَنْهَا إِلَّا مُنَافِقٌ مَعْلُومُ النَّفَاقِ، وَلَقَدْ كَانَ الرَّجُلُ يُؤْتَى بِهِ، يُهَادَى بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ حَتَّى يَقَامَ فِي الصَّفِّ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [654/257].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَّمَنَا سُنَنَ الْهُدَى، وَإِنَّ مِنْ سُنَنِ الْهُدَى الصَّلَاةَ فِي الْمَسْجِدِ الَّذِي يُؤَدَّنُ فِيهِ [654].

1085. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Ким эртага Аллоҳга муслмон ҳолда йўлиқишни истаса, мана бу намозларни уларга азон айтилган жойда адо қилиб борсин. Зеро, Аллоҳ Набийингизга ҳидоят йўлларини шариат қилиб берган. Албатта, улар ҳидоят йўлларидандир. Агар сизлар манави хонасаллот* уйида намоз ўқиганидек уйингизда намоз ўқисангиз, Набийингизнинг суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Набийингизнинг суннатини тарк қилсангиз, залолатга кетасиз. Бизнинг пайтимизда фақат нифоқи маълум мунофиқина (жамоатдан) қолар эди. (Касал) киши икки кишининг орасида олиб келиниб, сафга турғизилар эди».

* Хонасаллот - уйинг куйгур, бадбахт дегани.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Масъуднинг сўзларидан иборат бўлган бу ривоят мавқуфдир. Саҳобаларнинг сўзлари, ҳаракатлари ва тасвифларини билдирган ривоятлар «мавқуф» деб аталади. Фақат бу каби ривоятларнинг маъноси Пайғамбаримиз билан боғланса, у ҳолда мавқуф ҳолидан «марфуъ» ҳолатига ўзгаради. Хукман саҳиҳ ва марфуъ бўлган ҳадис диний ҳукмларга манба бўла олиши уламолар томонидан қабул қилинган.

Бу ривоятда ҳидоят йўли деб таржима қилинган «Сунанул ҳудаа» атамаси фикҳ усулида икки хил суннатдан бирининг номидир. Иккинчиси эса, «Сунану завоид»дир. Сунанул ҳудаа диннинг мукаммал унсуридир, ибодат деб билинган ва тарк қилиш жоиз бўлмаган суннатлардир. Буларни тарк қилиш макруҳдир. Тарк қилганлар мазаммат ва таъзир жазосига лойиқ бўлади. Ҳамма инсонлар томонидан тарк қилинганда эса жазо берилади. Жамоатга давомли бориш, азон ва иқомат айтиш шулар жумласидандир.

Ибн Масъуд Пайғамбаримиз замонида мунофиқлардан бошқа барчанинг жамоатга давомли келганини баён қилган. Баъзи ривоятларда жамоатга кела олмайдиган даражада бемор бўлганлар ҳам бировларнинг ёрдами билан келиб, жамоатда иштирок этганини яна шу ҳадисдан ўрганамиз. Булардан ўртак олган уламоларимиз жамоатга келиш учун бир қанча қийинчиликларга чидаш кераклигини, касаллик юришга ҳалақит бермаса ёки қандайдир восита билан жамоатга келишнинг иложи бўлса, жамоатга келишнинг савоб эканлигини билдиришган. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу жамоатга давомли келишни, фарз намозларини мутлақо жамоат билан ўқилиши кераклигини такрорлагандан сўнг бу каби суннатларни тарк қилганларни заллатга тушишини, йўлдан адашишини таъкидламоқда. Абу Довуд нақл қилган ривоятда эса, куфрга тушади дейилган. Жамоатга давом этмай бунга эътибор қилмаган кимсаларнинг, енгилтаклик билан қараганликда айблаб, шариатга қарши ҳурматсизлик эканлигини баён қилган. Ҳозирги кундаги мусулмонларнинг жамоатга боришга беътибор бўлишлари барҳам берилиши лозим бўлган муаммолардан биридир. Жамоатнинг раҳмат ва баракасидан мосуво бўлган жамият ислом жамиятининг энг муҳим сифатларидан ажраган ҳисобланади. Буюк муҳаддис Хаттобий яхшилик ва фазилатли амалларни бир-бир тарк қилиш орқали куфрга кетиши мумкин, деганлар. Биз ҳозирги кунда бунинг натижасини инсонларда ҳамда жамиятларда кўрмоқдамиз. Бундай мавзуларда мусулмонлар ўзлари ҳаракат қилишлари, сўнг оиласига, қўни-қўшнисига ва маҳалласига жамоат билан намоз ўқишни даъват қилиши керак. Умматнинг энг муҳим вазифаси комил васфдаги инсонларни тарбиялашдир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI